

ЮНЕСКОНИНГ ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ САНЪАТИНИ
ЎРГАНИШГА БАҒИШЛАНГАН ХАЛҚАРО ИЛМИЙ
СИМПОЗИУМИНИ ЎТКАЗИШ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН ССР
ТАШКИЛОТ КОМИТЕТИНИНГ ҚАРОРИГА БИНОАН НАШР
ҚИЛИНДИ. САМАРҚАНД. 1969.

ПЕЧАТАЕТСЯ ПО РЕШЕНИЮ
ОРГАНИЗАЦИОННОГО КОМИТЕТА УЗБЕКСКОЙ ССР
ПО ПРОВЕДЕНИЮ МЕЖДУНАРОДНОГО НАУЧНОГО
СИМПОЗИУМА ЮНЕСКО, ПОСВЯЩЕННОГО ИЗУЧЕНИЮ
ИСКУССТВА ЭПОХИ ТИМУРИДОВ. САМАРКАНД. 1969.

PRINTED ON THE DECISION OF THE UZBEK SSR ORGANIZATION
COMMITTEE OF THE UNESCO INTERNATIONAL SCIENTIFIC
SYMPOSIUM ON THE ARTS OF THE TIMURIDES PERIOD. SAMARKAND. 1969.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ АДАБИЁТ МУЗЕЙИ
Ўзбекистон ССР «Фан» нашриёти. ТОШКЕНТ. 1970

АКАДЕМИЯ НАУК УЗБЕКСКОЙ ССР
МУЗЕЙ ЛИТЕРАТУРЫ ИМЕНИ АЛИШЕРА НАВОИ
Издательство «Фан» Узбекской ССР. ТАШКЕНТ. 1970

ACADEMY OF SCIENCE OF THE UZBEK SSR
ALISHER NAVOI LITERATURE MUSEUM
«Fan» Publishing House of the Uzbek SSR. TASHKENT. 1970

БОБИРНОМА РАСМЛАРИ

Альбомни тузувчи ва сўз боши муаллифи
филология фанлари доктори, профессор Ҳамид СУЛАЙМОН

МИНИАТЮРЫ К БАБУР-НАМЕ

Составитель альбома и автор предисловия
доктор филологических наук, профессор Хамид СУЛЕЙМАН

MINIATURES OF BABUR-NAMA

Compiler of the album and author of the preface
doctor of philology, Professor Hamid SULEIMAN

ЎзССР Фанлар академиясининг академиги И. М. МЎМИНОВ,
таҳрири остида

Под редакцией академика АН УзССР И. М. МУМИНОВА

Editor the academician of the Uzbek Academy
of Science I. M. MUMINOV

БОБИРИЙЛАР ДАВРИ МИНИАТЮРА САНЪАТИ

Марказий Осиё халқлари тарихида Темурийлар даври ўзининг социал-иқтисодий муносабатлари, сиёсий тузуми ва маданият тараққиёти билан бошқа даврлардан алоҳида ажралиб туради [1]. Ана шу даврнинг йирик вакили бўлган Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва ролига Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги И. М. Мўминов қуйидагича илмий-объектив баҳо беради: «Темурнинг Ўрта Осиёда, Мовароуннаҳрнинг ҳозирги Қашқадарё область Шаҳрисабз яқинидаги Хўжаилғор қишлоғида барлос беги Тарағай оиласида дунёга келиши соф тасодифият, албатта. Лекин бундай шахснинг юзага келиши даврнинг, замоннинг тақозоси, Чиғатой улусининг зулми, майда феодал бекларнинг ваҳшиёна эзиши, мўғул хонлари, Олтин Ўрда бекларининг Мовароуннаҳрдаги тўхтовсиз босқинчилик юришларидан азобланган, хонавайрон бўлган, 150 йил давомида чет эл ҳукмронлигидан тинкаси қуриган мамлакатнинг, халқнинг мустақилликка эришиш талаби эди. Бу тарихий зарурият Темурда, унинг лашкар бошиларида равшан кўринди. Темур давлат арбоби сифатида маълум даражада бу эҳтиёжни, талабни, заруриятни ўзида акс эттирди, яъни Мовароуннаҳрда мустақил, марказлашган давлат тузди, мамлакат эҳтиёжларига жавоб берди» [2].

Темурийлар даври жуда мураккаб социал-тарихий қарама-қаршиликлар ва меҳнаткаш халқни чидаб бўлмаслик даражада эксплуатация қилиш билан бир вақтда, инсоният билимининг барча соҳаларида шундай тараққиёт даражасини таъминладики, бу фақат феодал муносабатларининг юқори тараққиёт босқичи шароитидагина мумкин эди.

Ўрта Осиё халқларидан етишиб чиққан буюк тафаккур эгаларининг бутун бир плеядаси худди шу даврда яшаб, ижод этди. Бутун дунёга номлари машҳур тарихчилар: Шарафиддин Али Яздий, Ибн Арабшоҳ, Мирхонд, Хондамир, Давлатшоҳ Самарқандий; олимлар: Улуғбек, Али Қушчи, Қозизода Румий; файласуф-шоирлар: Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Лутфий, Саккокий, Атоий; рассомлар: Беҳзод, Қосим Али, Мирак Наққош, Маҳмуд Музаҳҳиб; хаттотлар: Султонали Машҳадий, Султон Муҳаммад Хандон, Муҳаммад бин Нур, Дарвеш Муҳаммад Тоқий ва жуда кўп бошқа шахслар шулар жумласидандир.

Бу плеяданинг сўнгги вакили Темурийлар хонадонидан чиққан буюк ўзбек шоири, олими, давлат арбоби Бобирдир.

Заҳириддин Муҳаммад Бобир 1483 йил 14 февралда Андижон шаҳрида туғилган. Унинг отаси Умаршайх Мирзо—Темурнинг набираси—Фарғона мулкининг ҳокими эди. Заҳириддиннинг онаси Қутлуғ Нигор бегим Тошкентнинг машҳур феодал зодагонларидан Юнусхоннинг қизи бўлган [3]. Бобирнинг ёшлик йиллари Фарғонада ўтди. Шубҳа йўққи, у дастлабки маълумотни Андижонда, асосан ўз она тилиси бўлган ўзбек тилида олган.

Мирзо Бобирнинг ижтимоий-фалсафий қарашлари, унинг эстетик таъби ва илмий қизиқувчанлиги Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомий, Лутфий ва бошқа Шарқ классикларининг гениал асарлари таъсирида шаклланди.

---

[1] Темурийлар даври хронологик чегарасининг бошланиши XIV асрнинг охирги чорагидан белгиланиб, тамомланиши XVI асрнинг биринчи чорагига тўғри келади.

[2] И. Мўминов, Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли, Тошкент, «Фан» нашриёти, 1968, 49—50-бетлар.

[3] Юнусхоннинг қабри ҳозирги пайтда Тошкент шаҳридаги Октябрь райони территориясида (Шайхантавурда) жойлашган ва у Ўзбекистон ССР давлати томонидан XV аср ёдгорлиги сифатида қўриқланади.

Отаси вафотидан кейин, 1494 йили 12 ёшли Бобир Андижон тахтини эгаллаб, Фарғона мулкининг ҳукмрони бўлиб қолди.

Темурийлар империясига қарашли кўпчилик ерлар ўша пайтда Шайбонийлар томонидан ишғол қилинган эди. Темурийлар империясининг жаҳонга машҳур пойтахтини Шайбонийхондан озод қилиш учун Бобир Самарқандга икки марта (1498, 1500—1501) юриш қилган бўлса ҳам, муваффақият қозонолмади. Шундан сўнг Бобир ўзига содиқ бўлган бир гуруҳ қўшини ва қариндошлари билан Кобул томонга йўл олади. Бу воқеани Бобирнинг қизи Гулбаданбегим ўзининг машҳур «Ҳумоюннома» асарида қуйидагича баён қилган: «Тўлиқ ўн бир йил давомида, Мовароуннаҳр ўлкасида чиғатой султонлари билан шундай жанглар ва мудофаалар қилдиларки, уларнинг сонини тўла баён қилишга қалам тили ожиз ва нуқсонлидир... Икки юз киши пиёда, елкаларида чопон, оёқларида чориқ, қўлларида таёқ бўлгани ҳолда, беяроқ, худога тавакқал қилиб, Бадахшон ва Кобулга қараб йўл олдилар»[4].

Фарғона мулкига қарам бўлган Кобулда ўрнашиб олгач, Бобир янги лашкар тузиб, 1519 йили Ҳиндистонга юриш қилади. Фақат 1526 йилнинг апрелида Деҳлининг шимолида жойлашган Панипати яқинидаги машҳур тарихий жангдан кейин Султон Иброҳим Луди қўшинлари устидан ғолиб келгач, Бобир Ҳиндистонда марказлашган давлат — Бобирийлар империясини тузади[5]. Жамна дарёси ёқасидаги Агра шаҳрини янги империянинг пойтахти қилиб белгилайди.

Бобир Ҳиндистон тахтида беш йилгина (1525—1530) ҳукмронлик қилди. У 1530 йил 26 декабрда 47 ёшида вафот этди, Аградаги Нурафшон боғига дафн этилди. Бир қанча вақтдан кейин, васиятига биноан, унинг жасади Кобулга кўчирилиб, Боғи Бобирга қўйилди. Ф. Энгельс Кобулни таърифлар экан, «Унинг бош ёдгорлиги император Бобирнинг мақбарасидир»[6], — деб кўрсатиб ўтган эди.

Бобирдан 4 ўғил (Муҳаммад Ҳумоюн, Комрон Мирзо, Мирзо Асқарий, Мирзо Ҳиндол) ва уч қиз (Гулрангбегим, Гулчеҳрабегим, Гулбаданбегим) қолган. Унинг ўғилларидан Ҳумоюн, қизларидан эса Гулбаданбегим ўзининг юксак фазилатлари, билими ва истеъдоди билан бошқаларидан ажралиб туради.

Бобирдан сўнг 25 йил (1531—1556) мобайнида унинг катта ўғли Ҳумоюн ва 50 йил давомида (1556—1605) Ҳумоюннинг ўғли — машҳур Акбар империя тахтини эгалладилар. Бу давр — XVI аср Ҳиндистон иқтисоди ва маданиятининг порлоқ даври бўлди. Акбарнинг ўлимидан сўнг 22 йил (1605—1627) унинг ўғли Жаҳонгир ва 30 йил (1628—1658) Жаҳонгирнинг ўғли Шоҳи Жаҳон ҳукмронлик қилдилар. Шундан сўнг тахт Шоҳи Жаҳоннинг ўғли Аврангзебнинг қўлига ўтди. У ўта кетган диний мутаассиб бўлиб, ўзининг 48 йиллик ҳукмронлиги даврида (1659—1707) ҳар қандай илғор ғоя ва санъат, нафосатни барбод этувчи шахс сифатида иш олиб борган. XVIII асрда Ҳиндистонда пайдо бўлган социал-иқтисодий шароит Бобирийлар шон-шуҳратининг қайта тикланишига имкон бермади. XIX асрнинг ўрталарида, Бобирийлар сулоласи тарих саҳнасидан тушиб кетди.

Шундай қилиб, Бобирийлар Ҳиндистонда 300 йил ҳукмронлик қилдилар. Заҳириддин Муҳаммад Бобир фаолияти янги сулоланинг бошланиши

---

[4] Гулбаданбегим, Ҳумоюннома, Тошкент, ЎзССР ФА нашриёти, 1959, 24—25-бетлар.

[5] Европа тарихий манбаларида ва унинг таъсири натижасида Шарқ мамлакатларида ҳамда Россияда Бобир ва унинг авлодлари давлатини «Буюк мўғуллар империяси» деб номлайдилар. Бу таъриф тарихий ҳақиқатга зиддир. Бундай номланишнинг хатолигини адолатли кўрсатиб ўтган академик В. В. Бартольд шундай деб ёзган эди: «Европаликлар Темур ва унинг авлодларининг келиб чиқишини мўғуллардан деб ҳисоблайдилар. Бобир сулоласини белгилаш учун «Буюк мўғуллар» номини ўйлаб чиқарганлар» (В. В. Бартольд. История изучения Востока в Европе и России, 1925 г.).

[6] К. Маркс и Ф. Энгельс. Сочинения, т. 14, стр. 77.

сифатида шуҳрат топган бўлса, Аврангзеб ҳукмронлиги унинг инқирозидан бир белгидир.

Заҳириддин Муҳаммад Бобир ўз даврининг баркамол фарзанди ва қомусий ақлга эга шахс бўлган. У ўзининг ғайрат-шижоати, ўткир ақли, нозик таъби, юмшоқ қалби, фаолиятининг кўпқирралилиги билан кишини ҳайратда қолдиради. У йирик давлат арбоби, саркарда, истеъдодли олим, дилбар шоир, санъат шайдоси ва соҳиби, оташин қалбли ватанпарвар эди. Бобирни шоҳлик салтанати кам қизиқтирар, мамлакатнинг ободончилигини таъминловчи марказлашган давлат тузиш ташвиши унга тинчлик бермас эди. У ҳақда 1960 йили Бобир фаолиятини ўрганувчи америкалик олим Гарольд Лэмб шундай деб ёзган: «...Бобир, Улуғбек Самарқандда тутгандек йўл тутди, ўзини фақат ҳукмрон шоҳ дебгина эмас, балки инсон, мамлакатни идора этишга жавобгар шахс деб билди... Унинг фавқулоддаги фазилатлари Акбардан бошланган буюк империясида бир умрга ўз изини қолдирди» [7].

Инглиз шарқшуноси Эдуард Гольден Бобир ҳақидаги мақоласида Бобир шахси ва фаолиятига юксак баҳо беради. Бобирда буюк қалб эгасига хос бўлган барча олижаноб фазилатлар мавжуд эди, унинг асарлари юксак даражада мукаммаллик касб этади, деб ёзади у. Гольден ўз фикрини давом эттириб агар Бобир даврининг ўзига хос хусусиятлари эътиборга олинса, саркарда Бобир, подшо ва адиб сифатида, Цезар билан бир сафдан ўрин олиши мумкинлигига шубҳа йўқ. Чунки, Бобир характери Цезар характерига нисбатан кўпроқ муҳаббат ва ҳурматга лойиқдир, деган эди.

Юксак ақл-идроки, букилмас иродаси ва ғайрат-жасорати туфайли Бобир Моваруннаҳрда эриша олмаган мақсадига Ҳиндистонда эришди. У Ҳиндистон тарихида буюк прогрессив роль ўйнаган марказлашган ҳинд давлатига асос сола олди.

Жавоҳарлал Неру унга юқори баҳо бериб, шундай ёзган эди: «Бобир уйғониш даврининг типик вакили, заковатли, довюрак ва тадбиркор шахс бўлган, у санъатни, адабиётни севган, ҳаёт нафосатидан лаззатлана билган» [8].

Агар биз Бобир фаолиятини ўз салафларига нисбатан даври учун, хусусан, Ҳиндистон учун келтирган фойдаси нуқтаи назаридан баҳолар эканмиз, қуйидаги шарт-шароитларга алоҳида эътибор бериш лозим бўлади: биринчидан — Бобир Ҳиндистонни забт этишда бошқа жаҳонгирлар каби забт этилган ўлкани ўз мамлакатини бойитиш учун талон-торож қилишни олдига мақсад қилиб қўймади; иккинчидан — Ҳиндистондаги тарқоқ феодал давлатларни аста-секин бир кучли империяга бирлаштира бориб, феодал ички урушлар ва сонсиз диний низоларга чек қўйди. Шу хизматлари билан Мирзо Бобир Ҳиндистон тарихида янги порлоқ даврга асос солди. Мамлакат фаровонлиги, маданият ва экономиканинг юксалишига кенг йўл очди. Жавоҳарлал Нерунинг: «Бобирнинг Ҳиндистонга келиши туфайли Ҳиндистонда буюк ўзгаришлар содир бўлди, санъат ҳаётида, меъморчилик ва маданиятнинг бошқа соҳаларида янгича серилҳом тараққиёт юз берди» [9], — деган сўзларида Ҳиндистон тарихида Бобир ва Бобирийларнинг ўрни ва роли ғоят равшан ва объектив баҳолангандир.

Бобир ўзининг қисқа ҳаёти давомида жуда катта адабий ва илмий мерос қолдириб кетди. У она тилиси бўлган ўзбек тилида ҳамда форс-тожик тилида ижод этди. Унинг музика ва ҳарбий ишга доир рисолаларидан бошқа ҳамма асарлари бизгача етиб келган. Булар орасида унинг машҳур шоҳ асари «Бобирнома» алоҳида аҳамиятга эга. «Бобирнома»—Темурийлар даври ўзбек классик прозасининг манзур намунаси ва XVI аср бошидаги

---

[7] Lamb Harold. An aspect of the character of Zahir ad-din Muhammad surnamed Babur, founder of the dynasty known as the great Mughuls of India, Труды XXV Международного конгресса востоковедов, т. III, М., ИВЛ, 1963, стр. 221.

[8] Дж. Неру. Открытие Индии, М., ИЛ, 1955, стр. 272.

[9] Там же.

ўзбек адабий тилининг нодир ёдгорлигидир. Ўз асарларини дабдабали, баъзан фавқулодда мураккаб, ҳадсиз-ҳисобсиз муболағалар билан яратган сарой тарихчилари Рашидиддин, Шарафиддин Али Яздий, Мирхонд ва Хондамирларга қарама-қарши Бобир ўз мемуарини гоятда оддий, оммабоп услубда, айни вақтда бениҳоят гўзал ва равон адабий тилда яратди.

«Бобирнома» XV асрнинг охири ва XVI асрнинг бошларидаги Ўрта Осиё, Афғонистон ва Ҳиндистон халқлари тарихи бўйича қимматбаҳо маълумотлар манбаи сифатида беш асрдан буён тарихчилар, шарқшунослар, этнографлар, археологлар, тилшунослар, адабиётшунослар, санъатшунослар, географлар, зоологлар, ботаниклар ва бошқа илм-маърифат аҳлларини баҳраманд қилиб келмоқда. Шу боисдан ҳам «Бобирнома»нинг XVIII асрдан бошлаб ўзбек тилидан лотин, голланд, француз, немис, инглиз, рус, ҳинд, усмонли турк тилларига таржима қилиниши тасодифий ҳол эмас. «Бобирнома» форсчага Акбаршоҳ саройида уч марта таржима қилиниб, шулардан энг муваффақиятлиси Байрамхоннинг ўғли Абдураҳимхон томонидан 1589 йил қилинган таржимадир. Аврангзеб замонасида «Бобирнома»нинг эски ўзбек тилидан қайта кўчиртирилган бир нусхаси фан оламида «Ҳайдаробод нусхаси» номи билан машҳурдир.

«Бобирнома»нинг энг қадимги ва мўътабар қўлёзмалари XVI асрнинг охирги чорагига мансуб бўлиб, Абдураҳимхоннинг форсча таржимасида бизгача етиб келган. Улар Акбарнинг сарой кутубхонасида етишган ҳинд миниатюра санъатининг усталари томонидан ишланган расмлар билан зийнатлангандир. Шундай қўлёзмалардан ҳозирги пайтда икки тўлиқ нусха мавжуддир: бири — Лондондаги Британия музейи қўлёзмаси (OR. 3714), кўчирилиш тарихи кўрсатилмаган, иккинчиси—Нью-Делидаги Миллий музейда сақланаётгани 1598 йили кўчирилган. Шу билан бирга «Бобирнома»нинг XVI аср охирида кўчирилиб, ҳозирда эса йўқолиб кетган яна бир нусхасидан йиртиб олинган, Москвадаги Шарқ халқлари маданияти музейининг мулки ҳисобланган 69 алоҳида миниатюралар ҳам бор. Бу 69 миниатюра 1960 йили санъатшунос профессор С. Тюляев томонидан Москвада нашр этилган [10].

«Бобирнома»нинг бизга маълум бўлган миниатюрали икки мўътабар қўлёзмаларидан энг тўлиғи ва миниатюралари ниҳоятда юксак маҳорат билан ишланган тенги йўқ нусхаси—Британия музейиникидир. Бу қўлёзмадаги миниатюралардан айрим намуналар миниатюра санъати мутахассислари ва мен томонимдан нашр этилгандир [11]. Ушбу альбомда мазкур қўлёзмадаги 93 миниатюра биринчи марта тўлиқ нашр қилинмоқда. Мен Британия музейига, хусусан менинг ҳурматли ҳамкасбларим англиялик профессор Базиль Грей ва Мередит-Оуэнсларга юқоридаги миниатюралар нусхасини олишга имконият яратиб берганликлари учун чуқур миннатдорчилик билдираман. Эндиликда улар Ўзбекистондаги Бобир авлодларининггина мулки бўлиб қолмасдан, Шарқ миниатюраларини ўрганувчи ва гўзалликни қадрловчи барча кишилар учун ҳам арзигулик бир бойлик бўлиб қолади.

Буюк ўзбек шоири Алишер Навоий ўз даврининг меценати, XV аср иккинчи ярмида Ҳиротда яшаб, ижод этган фан, адабиёт ва санъат намояндаларининг улкан ҳомийси эди. Ҳирот миниатюра санъати мактабига асос солган Шарқнинг гениал рассоми Камолиддин Беҳзод ҳам Алишер Навоий ҳомийлигида тарбия топган улуғ зотлардан биридир. Беҳзод ва унинг шогирдлари (Қосим Али, Мирак Наққош, Дўст Муҳаммад, Шоҳ Музаффар ва бошқалар) ижодида юксак босқичга кўтарилган миниатюра санъати,

---

[10] Миниатюры рукописи «Бабур-наме» (автор предисловия и составитель С. Тюляев), М., Государственное издательство изобразительного искусства, 1960.

[11] 1969 йил сентябрь ойида ЮНЕСКОнинг Темурийлар даври санъатини ўрганиш бўйича ўтказилган халқаро илмий симпозиуми муносабати билан «Бобирнома»нинг Британия музейи қўлёзмасидан танлаб олинган 32 миниатюра нашр этилди («Бобирнома» расмлари, тузувчи Ҳамид Сулаймон, Тошкент, «Фан» нашриёти, 1969).

Султон Ҳусайн Бойқаро ҳукмронлиги 1506 йилда мағлубиятга учрагач, унинг кейинги эволюцияси Ўрта Осиё, Эрон ва Ҳиндистонда давом этади. XVI асрда Марказий Осиёнинг қатор шаҳарларида бадиий қўлёзма ва миниатюра санъатининг янги мактаблари пайдо бўла бошладиким, уларда Беҳзод яратган Ҳирот мактабининг энг илғор анъаналари маҳаллий санъаткорлар маҳорати билан бойитилган ҳолда янги мазмун, янгича сайқал касб этади.

Шарқ миниатюра санъати тарихида қатор мактабларни ўзига бириктирувчи тўрт асосий давр мавжуд: 1. Темурийлар даври — Хуросон ва Мовароуннаҳр (Ҳирот, Самарқанд, Табриз, Шероз мактаблари), 2. Сафавийлар даври — Эрон (Шероз, Табриз, Машҳад, Исфахон мактаблари), 3. Шайбонийлар даври — Ўрта Осиё (Бухоро, Самарқанд мактаблари), 4. Бобирийлар даври — Ҳиндистон (Агра, Деҳли мактаблари).

XVI—XVII асрлардаги ҳинд миниатюралари ҳозиргача кўпчилик олимлар томонидан эски анъанага кўра «Буюк мўғуллар» миниатюраси деб номланиб келади. Ҳақиқатга зид бўлган «Буюк мўғул» термини ўрнига «Бобирийлар» даври миниатюраси деган янги терминни илмда қўлланишини тарихий жиҳатдан тўғри ва адолатли деб ҳисоблаймиз.

Бобирийлар, ҳақиқатда, Темурийлардан бўлиб, Темурийлар сулоласининг Ҳиндистондаги давом эттирувчиларидир. Мовароуннаҳр ва Хуросонда Темурийлар давлатининг прогрессив моҳиятини очиб берган академик И. М. Мўминов уларнинг Ҳиндистондаги авлодлари ҳақида шундай деб ёзган: «...Айниқса Бобир билан Акбаршоҳ Ҳиндистонда, Темур даврида Ўрта Осиёдаги иқтисодий ва маданий тараққиёт натижасида пайдо бўлган энг яхши анъаналарни давом эттирдилар»[12]. Ҳирот ҳамда ўз ватани — Ўрта Осиё санъати, адабиёти ва маданиятини ўткир билимдони Заҳириддин Муҳаммад Бобир Ўрта Осиё ва Эрон билан Ҳиндистон ўртасида актив алоқалар ўрнатиб ҳинд маданиятининг янгича юксалиш йўлига бошлади.

Эрон ва Ўрта Осиё халқлари санъатининг Ҳиндистон санъатига баракали ижобий таъсири ўзининг ажойиб самараларини берди. Хусусан, Бобирийлар даври ҳинд миниатюраси Темурийлар, Сафавийлар ва Ўрта Осиё мактаблари билан маҳаллий ҳинд мактаблари анъаналарининг ижодий синтези сифатида туғилди.

Бобирнинг ўғли Ҳумоюн Ҳиндистондаги ғалаёнлар пайтида Сафавийлар сулоласидан бўлган шоҳ Тахмасп томонидан самимият билан кутиб олинади ва у бир қанча вақт Қазвин ва Табризда истиқомат қилади. Ҳумоюн Табризда бўлган пайтида расм санъати билан жуда қизиқади, Беҳзод шогирдларининг буюк ва ҳайратомуз асарлари уни мафтун этади. Шоҳ Тахмасп саройида Ҳумоюн машҳур рассомлар Мир Саид Али Табризий ва Хожа Абдусамад Шерозийлар билан танишади ва 1550 йили Ҳиндистонга қайтганида бу икки рассомни ўз саройига олиб кетишга муяссар бўлади. Беҳзоднинг шогирди Мир Саид Али Табризий Ҳинд миниатюраларига Темурийлар даври Ҳирот миниатюра мактаби анъаналарини олиб кирган бўлса, Сафавийлар даври Эрон миниатюраси анъаналари Ҳиндистонга Хожа Абдусамад орқали ўтган. Шундай қилиб, бу икки санъаткор Бобирийлар миниатюра мактабини Темурийлар, Сафавийлар мактаби билан узвий боғловчи ҳалқа вазифасини бажарган.

Мир Саид Али Табризий ва Хожа Абдусамад Шерозийлар Бобирийлар миниатюра санъатига асос солдилар, сарой кутубхонаси қошида Ҳумоюн томонидан ташкил қилинган миниатюра санъатининг янги мактабига йўлбошчилик қилдилар. Ҳумоюннинг ўлимидан кейин тахт унинг ўн тўрт яшар ўғли Акбарга ўтади. Акбар империя тахтини пухта эгаллагач, Бобирийлар миниатюра мактабининг тараққиётига алоҳида аҳамият беради. Ҳиндистонда янги миллий маданият яратиш вазифасини ўз олдига

---

[12] И. Мўминов. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли. Тошкент, «Фан» нашриёти, 1968, 44-бет.

мақсад қилиб қўйган Акбар ҳинд, форс ва турк халқларининг миллий анъаналарига чуқур ҳурмат билан қарайди, дин эркинлигини эътироф этувчи ва турли миллатлар орасида дўстлик муносабатларини таъминловчи сиёсат юритади. Ўз маслакларини амалга ошириш учун Акбар адабиёт ва санъатдан кенг фойдаланади. Шу йўл билан Темурийлар ва Сафавийлар миниатюра санъати анъаналари асосида Ҳиндистонда янги мазмун ва янги руҳ билан бойитилган миниатюра санъатининг янги услуби пайдо бўлади.

Акбар санъатни юксак даражада қадрловчи фасоҳат эгаси ва маҳоратли рассом бўлган (Эроннинг Салтанат кутубхонасидаги «Мураққаъи Гулшан» альбомида ёш Акбарнинг расм чизаётган ҳолатини акс эттирувчи сурат бор). Бир муносабат билан Акбар, кўп кишилар расм санъатини ёмон кўради, мен бундай одамларни ҳуш кўрмайман, деган эди. Исломнинг жонли мавжудот суратини чизишни тақиқлашига қарамай, Акбар тасвирий санъатнинг маърифий ва эстетик-тарбиявий аҳамиятини юксак баҳолайди. Бу ҳақда Акбарнинг вазири Абул Фазл ўзининг «Ойини Акбарий» асарида, Акбар ёшлигидан бошлаб тасвирий санъатни нафосат ва гўзалликнинг муҳим соҳаси ҳисоблаб, унга зўр қизиқиш билан қараганини ва уни ҳар хил йўллар билан қўллаб-қувватлаганини, тақдирлаганини ёзади. Абул Фазл ўз фикрини давом эттириб, ҳинд рассомларининг маҳоратини баён қилар экан, деталлардаги аниқликни, расмдаги умумий тугалланганликни, ижродаги балоғат маҳоратини таъкидлаб, Акбар замонидаги миниатюра санъатининг ўтмишдаги ҳинд санъатидан юксаклиги ва беқиёс даражада фарқланишини кўрсатиб ўтади.

Бобирийлар санъатининг сермаҳсул тараққиётида Акбарнинг маърифатпарварлиги, санъатга бўлган шахсий иштиёқи ва ижодкорларга бўлган ҳомийлиги алоҳида диққатга сазовордир. Бунинг ёрқин далилларидан бири шуки, Акбар фармони билан Амир Ҳамза ривоятларини расмлар билан безатиш учун Беҳзод мактабининг 50 санъаткори жалб этилиб, 12 жилдлик ривоятлар тўплами 1700 миниатюра билан безатилгандир. Абул Фазлнинг «Ойини Акбарий» асаридаги маълумотларга қараганда, Акбар саройида турли миллатга мансуб бўлган 145 санъаткор ишлаган.

1573 йилда Акбар Кужаротдан уч миниатюра рассоми—Жаганнот, Тара Чанд ва Санвал Дасларни ўзининг сарой рассомлик корхонасига олиб келади. Шундан сўнг Кашмир, Панжоб, Рожипут ва бошқа вилоят рассомлари ҳам саройга тортилади. Улар расм санъати бобида Мир Саид Али ва Абдусамадлардан таълим оладилар, ҳашаматли қўлёзмаларга расмлар чизадилар. Акбар саройидаги расм мактабининг кўзга кўринган маҳоратли вакиллари Дасвант, Басавон, Лол, Устод Мансур, Кесу, Мукунд, Давлат, Мискин, Фарруҳбек Қолмоқ, Мадҳу, Жагон (Жаганнот), Моҳиш, Ҳамракон, Тара Чанд, Санвал Дас, Ғарибанс, Рам ва бошқалар бўлган. Айниқса, Дасвант ва Басавон асарлари юксак қадр-қиммат топган. Ҳайвонот дунёсини тасвирлашда Устод Мансур беназир эди, бу соҳада ҳеч ким унга тенглаша олмаган. Шу «Бобирнома» даги Ҳиндистон табиат манзараларини ва ҳайвонот дунёсини акс эттирувчи 32 миниатюранинг кўпчилиги устод Мансур мўйқаламига мансуб бўлиб, улар санъаткор реализми ва маҳорат кучини намойиш қилади.

Ҳинд рассомлари эски анъана тусини олган диний шартлиликдан қочиб, Бобирийлар миниатюра санъатига инсон характерини, унинг ички руҳий дунёсини ифодаловчи портрет жанрини олиб кирди; Темурийлар ва Сафавийлар услуби эса ҳинд миниатюраларининг нақшли ва рангли лавҳаларида, композициясида намоён бўлди.

Император Жаҳонгир ҳам отаси каби расм санъатига қизиқади. Миниатюра санъати асарларини, бадиий безатилган қўлёзмаларни ва альбомларни зўр иштиёқ билан йиғувчи коллекционер бўлган Жаҳонгир мунтазам равишда Эрон ва Ўрта Осиёга қўлёзмалар ва бошқа санъат асарларини сотиб олиш учун ўз одамларини юбориб турган. Унинг қўлига тушган барча санъат ёдгорликлари қатъий равишда рўйхатга олинган, тавсифи ва таснифи тузилган.

Жаҳонгирнинг сарой кутубхонасида отаси Акбар давридаги кўп рассомлар ўз ишларини давом эттирдилар. Шу билан бирга бу кутубхонага янги ҳинд рассомлари Маноҳар, Бишндас, Хунхор, Анупчатар, Читарман, Балчанд, Бичитр ва бошқаларни; эронликлар ва Ўрта Осиёдан Абул Ҳасан, Мир Ҳошим, Муҳаммад Фақир Оллоҳхон ва бошқалар жалб этилган. Улар орасида маҳоратда отасидан ҳам ўтиб кетган ҳиротлик Оға Ризонинг ўғли Абул Ҳасан олий балоғат ва фазилатлари билан алоҳида кўзга ташланиб турар эди. «Жаҳонгирнома» китобининг бошидаги зарварағига Абул Ҳасан томонидан ишланган Шоҳи Жаҳоннинг тахтга чиқиш маросимини тасвирловчи расмга императорнинг ўзи баҳо бериб, Абул Ҳасан санъаткор сифатида «Нодир аз-замон, унинг асарлари эса замоннинг шоҳ асарларидир», деган эди.

Бобирийлар мактаби Ўрта Осиё ва Эроннинг етук санъаткорлари билан доимий тўлдирилиб турилди. Жаҳонгир саройида ишлаган самарқандлик Муҳаммад Нодир ва Муҳаммад Мурод Самарқандийлар бунинг ёрқин мисолидир [13].

Шоҳи Жаҳон даврида ҳам Бобирийлар мактаби ўз тараққиётини давом эттирди, янги-янги рассомлар етиша бошлади. Жаҳонгир даври рассомлари ижодида портрет жанри етакчи ўринни эгаллайди.

Бобирийлар миниатюра санъати мактаби пайдо бўлганга қадар шимолий-жанубий Ҳиндистонда, ўзига хос маҳаллий, Ражипут миниатюра санъати тараққий қилган эди. У XV асрда ва XVI асрнинг бошларида Гужаротда ўз тараққиётининг олий чўққисига чиққан. Ражипут расм санъати, диний характерига қарамасдан, ўзининг ғоявий мазмуни жиҳатидан чуқур халқчил бўлиб, одамларнинг ирқий келиб чиқиши ва диний эътиқодларига қарамасдан барча халқларнинг урф-одатларига нисбатан меҳр-муҳаббат, ҳурмат ва қардошлик туйғусини тарғиб қилган. Кейинчалик Ражипут миниатюраси Темурийлар ва Сафавийлар миниатюра санъатининг энг яхши анъаналари билан қўшилиб Бобирийлар мактаби ҳинд миниатюра санъатининг янги синтезини ташкил қилди ва юқори нафосат ҳам балоғат босқичига кўтарилганини жаҳонга намойиш этди.

Бобирийлар сарой кутубхонасидаги тасвирий санъат ишларига Ўрта Осиё ва Эроннинг йирик санъаткорлари раҳбарлик қилиб, янги услубнинг шаклланишида етакчи бўлишига қарамасдан, Бобирийлар миниатюрасининг бош ижодкорлари ҳинд санъаткорлари бўлган, улар орасида ражипутликлар етакчилик қилгандир. Акбар, Жаҳонгир ва Шоҳи Жаҳоннинг кутубхона ва корхоналарида Гужарот, Кашмир, Панжоб ва Ҳиндистоннинг бошқа жойларидан келган жуда кўп санъаткорлар ишлаган.

XVI—XVII асрларда Бобирийлар ҳинд маданияти тараққиётида жуда катта роль ўйнайдилар, шу даврда яратилган санъат мўъжизалари ҳанузгача бутун инсониятни ҳайратга солиб келади. Буларнинг барчаси жамиятнинг социал-иқтисодий шароити билан бир қаторда Бобирийларнинг маърифатпарварлиги ва юксак эстетик идеаллари билан изоҳланади.

Бобирийлар даври миниатюра санъати ўз тематикасининг дунёвий характери ва ўзига хос реализми билан ўзидан олдин ўтган диний мазмундаги ҳинд расм санъатидан ажралиб туради. Бобирийлар миниатюрасининг реализми, ҳаққонийлиги ва дунёвий мотивлари Ўрта Осиё тасвирий санъати таъсирининг натижасидир. Шу билан бирга Бобирийлар даври миниатюра санъати бошқа Шарқ миниатюралари сингари китобларнинг ички мазмунини очиб беришга хизмат қилади. Тарихий эпизодларни, географик ва этнографик фактларни тўла эътиборга олиш туфайли воқеликни аниқ ва ҳаққоний акс эттиришни ўзига вазифа қилиб қўйган ҳинд санъаткорлари

---

[13] Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номли Шарқшунослик институтида Фирдавсий Шоҳномасининг 964=1556-57 йилларда Хоразмда кўчирилган нодир қулёзмаси инв. № 751 рақами билан сақланади. Бу қўлёзма Муҳаммад Мурод Самарқандий томонидан бажарилган 116 миниатюра билан безатилгандир.

бундай вазифаларни маҳорат билан бажарадилар. Акбар, Жаҳонгир ва Шоҳи Жаҳон саройидаги корхоналарда санъаткорлар қуйидаги китобларга расмлар ишлаб зийнатлаганлар: «Ойини-Акбари» (Акбар ўгитлари), «Акбарнома», «Темурнома», «Амир Ҳамза» («Амир Ҳамза ҳақида ривоятлар»), «Жамъ ат-таворих» («Умумий тарих»), «Тарихи Ауфий» («Ауфий тарихи»), «Зафарномаи Темурий» («Темур ғалабалари китоби»), «Шоҳнома», «Доронома», «Жаҳонгирнома», «Бобирнома» ва бошқалар.

Британия музейидаги Бобирнома қўлёзмасида 96 миниатюра ва китобнинг бошланишида икки саҳифали зарварақ расм бор. Қўлёзманинг формати 21×32,5 см. бўлиб, кўпчилик миниатюраларнинг формати 15,5×28 см. дир. 96 миниатюрадан иккитаси рангсиз график расм шаклида бўлиб, тугалланмаган. 4, 15, 18, 55, 56, 58, 60, 61, 62, 78 миниатюралардан ташқари ҳамма расмларда рассомлар имзоси бор. «Бобирнома» расмларидаги санъаткорларнинг номи Ҳирот, Бухоро, Самарқандлик санъаткорларда бўлгани сингари уларнинг ўз қўли билан расм орасига ёзилмай, расмларнинг пастки ҳошиясига бошқа киши томонидан қирмизи сиёҳ билан настаълиқ хатида ёзиб қўйилгандир. Ҳамма расмлар ва қўлёзма тексти турли рангдаги сиёҳ ва олтин чизиқли жадваллар ичига олинган. 62 сюжетли миниатюра одатдан ташқари кўшимча новвотранг ипак қоғоз ҳошияларига тилло суви билан ишланган нақшли рамкаларга олинган. Барча расмлар яхши сақланган.

«Бобирнома»га ишланган расмларга қўйилган 81 имзодан шу нарса аниқки, «Бобирнома» расмларини ишлашда Акбар саройидаги рассомлардан 41 йирик санъаткор (кўрсаткичга қаранг) қатнашган бўлиб, улар орасида Кесу Кужароти, Рас, Дахнирож, Сангар Кужароти, Сорун, Тарё, Баҳвоний, шунингдек Ўрта Осиёлик ва эронлик Устод Мансур, Иброҳим Наққош, Абдуллоҳ, Фарруҳбек, Жамшид, Иброҳим Қаҳҳор ва бошқалар, айниқса, ажралиб туради.

Британия музейидаги «Бобирнома» қўлёзмасидаги расмларда мавжуд бўлган санъаткорларнинг имзолари (проф. С. Тюляев томонидан нашр қилинган Москва миниатюралари коллекциясида, имзолар йўқ) Ҳиндистондаги Бобирийлар санъати тарихини бундан кейин ўрганиш учун ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Биргина «Бобирнома» қўлёзмасини безатиш учун Акбар саройидаги 40 дан ортиқ рассомларнинг иштирок этиши Бобирийлар даври ҳинд рассомлик санъатининг ижодий қудрати нақадар буюклигини кўрсатувчи яққол фактдир.

«Бобирнома» расмларини тематик мавзу жиҳатидан қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин: тарихий воқеалар — 15 миниатюра (4, 7, 11, 12, 16, 17, 21, 23, 28, 29, 47, 87, 88, 95, 96); турмуш манзаралари — 13 миниатюра (5, 6, 24, 25, 26, 27, 48, 49, 54, 90, 92, 93, 94); ҳарбий лавҳалар — 21 миниатюра (8, 9, 10, 13, 14, 15, 18, 19, 20, 22, 30, 31, 38, 39, 40, 41, 44, 53, 89, 91); ов манзаралари — 6 миниатюра (42, 43, 46, 50, 51, 52); зиёфат — 7 миниатюра (32, 33, 34, 35, 36, 37, 45); ҳайвонот дунёсидан — 5 миниатюра (55, 56, 57, 58, 59); паррандалар — 12 миниатюра (60, 61, 62, 63, 64, 65, 66, 67, 68, 69, 70, 71); денгиз ҳайвонлари — 4 миниатюра (72, 73, 74, 75); ўсимликлар — 11 миниатюра (76, 77, 78, 79, 80, 81, 82, 83, 84, 85, 86).

Барча миниатюралардан фақат 21 таси ҳарбий юриш ва жанг лавҳаларини ифодалайди. Қолган 73 тасида Ҳиндистоннинг ҳайвонот ва ўсимликлар дунёси, зиёфат, ов, турмуш манзаралари, тарихий воқеалар ёрқин ва ишонарли қилиб тасвирланган. Ҳар бир расмнинг мазмуни альбом иловасида «Бобирнома»дан келтирилган парчалар[14] орқали тўлиқ ифодалангани учун биз уларнинг алоҳида тасвирини беришни ортиқча деб билдик.

---

[14] Бобир Заҳириддин Муҳаммад. Бобирнома, Тошкент, ЎзССР Фанлар академияси нашриёти, 1958; Бабур Захириддин Мухаммед, Бабур-наме, Ташкент, Изд-во АН УзССР, 1958; Beveridge A. The Babur-name in English (Memoirs of Babur) by Zahir ud-din Mohammad Babur Padshah Ghazi, translated by Anette S. Beveridge, vol. I, II, London, 1921.

«Бобирнома» миниатюралари реализми, воқеаларнинг жонли берилиши ва ҳаққонийлиги билан кишини ҳайратга солади.

Санъаткор, китобдаги текст мазмуни билан чекланганига қарамасдан, асосий воқеани танлаб олиб, шу воқеа атрофида барча зарурий тарихий, географик, этнографик омиллардан унумли фойдаланган ҳолда бир бутун, тугалланган ижодий композиция яратади. Шулар туфайли рассом ўз даври типик қаҳрамонларини типик шароитларда кўрсата олишга муяссар бўлган. Кесу Кужароти, Устод Мансур, Нанд Кувалёри, Сангар Кужароти, Фарруҳбек, Хусрав Қули, Сарун, Рас, Иброҳим Наққош ва бошқа санъаткорлар ўзларининг нафис ва жозибадор расмларини худди шу услубда яратганлар. Ҳинд санъаткорлари нафосатни, расм ва бўёқлар мувозанатини ажойиб сезиш ва рангларни танлай билиш қобилиятига эга бўлганликлари туфайли даврнинг руҳи, гўзаллигини конкрет-ҳиссий шаклларда гавдалантира билганлар.

Бобирийлар даври ҳинд миниатюралари Темурийлар ва Сафавийларникидан ўз бадиий услуби, эстетик нормалари билан аниқ ажралиб туради. Шарқ миниатюраларининг шартлилигидан — кичик бир сатҳда (китоб варағи сатҳида) бутун бир воқеани ёки эпизодлар туркумини тасвирлаш заруриятидан — «Бобирнома» рассомлари моҳирлик билан фойдаланганлар. Мураккаб воқеаларни тўлиқ ифодалаш учун дастлаб улар уч-тўрт эпизодга ажратилади. Ҳар бир эпизод бўйича мустақил композиция яратилади. Улар китоб саҳифасининг пастидан юқорига қараб жойлаштирилади. Ҳар бир композиция таркибига кирадиган манзаралар архитектура элементлари, тоғлар, адирлар, дарёлар, ўсимликлар ёки текст парчалари ёрдамида бир-биридан ажралиб туради. Айни вақтда ҳар бир композиция ўз мустақиллигини сақлагани ҳолда бир-бири билан мантиқий боғланиб, асар мазмунини очиб берувчи бир бутун полотнони ташкил қилади. Масалан: Бобирнинг ўз синглиси Хонзодабегим билан учрашуви (7-миниатюра) тўрт планда берилган. Биринчи планда — Бобир ва унинг кузатувчиси Муҳаммад Кўкалдошларнинг отини хизматкор ушлаб тургани; иккинчисида — Бобир ва Муҳаммад Кўкалдошнинг Хонзодабегим билан суҳбати; учинчисида — юқорида ўнг томонда, саройнинг кўриниши; тўртинчи планда эса Ҳиндистон табиати берилган. 41-миниатюрада Бобирнинг Кобулда бўлиши уч планда — шаҳар дарвозаси, шаҳарнинг ички қисми ва қалъа мудофааси тарзида кўрсатилган. Бобирнинг касаллигини ифодаловчи 16-миниатюрада, биринчи планда — меҳмонларни дарвозада кутиб олиш, иккинчисида — саройнинг биринчи ярми, учинчисида — саройнинг иккинчи ярми ва хаста Бобирнинг ётган жойи, тўртинчисида — Ҳиндистон табиатининг дилбар кўриниши тасвирланган.

Санъаткорга кенг ижодий имкон берувчи композициянинг бундай кўп планлилиги 30 та миниатюрада учрайди. Китоб саҳифаларидаги фавқулодда чекланган кичик сатҳда сюжетни ана шундай кўп планда тараққий эттира билиши туфайли Ҳинд рассомлари «Бобирнома» расмларида ўзларининг юксак маҳоратларини намойиш қилганлар. Бадиий приёмларнинг шартлилиги турли-тумандир. Тасвирдаги кўп планлилик усули инсон гавдасини иморатлар, тоғлар масштабига нисбатан онгли равишда катта қилиб ишлашга мажбур қилади, одамларнинг бети, деярли ҳамма вақт ён томондан чизилади ёки юзининг тўртдан уч қисми берилади.

Композиция мувозанати бутунисича ритм қонунияти билан шартлангандир. Инсон қомати, ҳайвонлар, ўсимликлар, турли манзаралар тасвирини қоғоз сатҳига жойлаштиришдаги ритмга қатъий риоя қилиш, расм ритми—имо-ишорани, ҳаракатни жонли бера билиш, бўёқлардаги ички монандлик, ҳинд рассомларига хос бўлган гўзалликни ажойиб сеза олиш фазилатлари «Бобирнома» расмларини Шарқ санъатининг ўлмас обидаларидан бирига айлантирган.

Ҳирот, Бухоро, Самарқанд, Шероз ва Табриз миниатюра санъатининг маҳорати ва энг яхши анъаналарини ижодий ўзлаштирган Бобирийлар

даври санъаткорлари Ҳиндистон учун типик бўлган қаҳрамонларни яратди. «Бобирнома» миниатюраларида тасвирланган ҳамма кишиларнинг юзи, кўзи, мўйлови, соқоли, кийими, оёқ кийими, белбоғи, салласи типик ҳиндчадир. Улар ўз қиёфалари билан Темурийлар ва Сафавийлар миниатюралари қаҳрамонларидан тубдан фарқ қилади.

Шуни алоҳида қайд қилиш керакки, ҳинд расм санъатида яратилган ва анъана тусини олган услуб Бобирнинг Мовароуннаҳрдаги фаолиятини ҳаққоний ифодалашга йўл қўймаган. Бобирнинг Андижон тахтига чиқишини, унинг Шайбонийларга қарши Самарқанддаги жангини, синглиси Хонзодабегим билан Бобирнинг Ҳиротдаги учрашувини, Бадиуззамоннинг зиёфатидаги пайтини кўрсатувчи миниатюраларда ўрта осиёлик одамлар ҳам ҳиндлар қиёфасида тасвирланган. Самарқанднинг, Ҳиротнинг ўзига хос ҳашаматли меъморчилик ёдгорликлари, мевазор боғлари ва сайргоҳлари ҳинд архитектураси, табиат ва ҳайвоноти ҳамда ўсимликлар дунёси билан алмаштирилган.

«Бобирнома» қаҳрамонлари орасида кўпчиликни тарихий шахслар эгаллайди, айниқса асосий ўринни император Бобирнинг образи ишғол қилади. 96 миниатюрадан 46 тасида (4, 7, 10, 11, 12, 13, 14, 15, 16, 17, 18, 19, 20, 21, 23, 25, 26, 28, 30, 31, 32, 33, 35, 36, 37, 38, 39, 40, 41, 42, 45, 46, 47, 48, 49, 50, 51, 52, 54, 87, 90, 91, 92, 94, 95, 96) Бобир Мирзо турли ҳолатларда тасвирланган. Шуниси муҳимки, Бобирнинг тахтда ўлтирган сурати, жанг майдонларида, овда, зиёфатда, кишилар билан бўлган суҳбатларда, Ҳиндистон бўйлаб саёҳатда ва бошқа расмларда бир киши қиёфаси ифодаланади. 46 миниатюранинг марказида буюк куч-қудратга тўла, иродали, жасур, довюрак, шу билан бир вақтда руҳий дунёси бой, меҳрибон қалбли ва юмшоқ нигоҳли дилбар киши сиймосини кўрамиз. Бу — атоқли давлат арбоби, саркарда, олим ва шоир бўлган Бобирнинг реалистик портретларидир. Бошқача қилиб айтганда 46 миниатюрадаги бир хил сиймо Бобирнинг боғда китоб ўқиб ўтирган пайтдаги машҳур портретига беандоза ўхшайди[15]. Бу портрет мазкур альбомга қўшимча тарзда нашр қилинди. Биз Бобирнинг мазкур расмларини фақат ҳаққонийгина эмас, балки қуйидаги сабабларга кўра энг ишончли ҳам дейиш тарафдоримиз. Сабаблари: биринчидан — Бобир 1530 йилда вафот этди. «Бобирнома»нинг Британия қўлёзмаси миниатюралари эса унинг вафотидан 50 йил кейин яратилган. Бинобарин, XVI асрнинг 80 йилларида император Бобирни кўрган, билган сафдошлари ва таниш кишилари, албатта, бўлган. Бу кишилар Бобир шахсиятининг жонли гувоҳи сифатида рассомлар учун ишончли консультант бўлганлар. Иккинчидан — ўз даврининг олимлари, шоирлари, рассомлари ва хаттотларига ҳомийлик қилган, санъатни юксак даражада қадрлаган Бобирнинг ҳаётлиги даврида олинган портрети мавжуд бўлишига шубҳа бўлмаслиги керак. Заҳириддин Муҳаммад Бобирнинг ҳаёт даврида яратилган ана шундай портретлар Британия қўлёзмаларидаги миниатюраларда яратилган бир-бирига айнан ўхшайдиган портретларга асос қилиб олинган бўлиши табиийдир. Учинчидан—гўзалликнинг шайдоси, рассомлик истеъдодига эга бўлган Акбар империянинг асосчиси — ўзининг севимли бобоси портретига бефарқ қараши мумкинмиди? Албатта, йўқ. Бобирнинг тарихий шахс сифатида конкрет образларининг бузилишига ва ҳақиқатдан узоқ портретни «Бобирнома»нинг мўътабар нусхасидан ўрин олишига Акбарнинг йўл қўйиши асло мумкин эмас эди.

Юқорида айтилганларнинг ҳаммаси ва Акбар саройида ишланган ҳамма портретларнинг бир-бирига ўхшашлиги Бобирнинг ҳаёт вақтида яратил-

---

[15] Бобирнинг мазкур альбомга қўшиб нашр эттирилган бу портрети Британия музейида сақланмоқда. Инв. I БМ 1921-10-11-03, формати 12,8×18 см. Шарқ миниатюраларининг таниқли тадқиқотчиси И. Шчукин уни XVII асрнинг йигирманчи йилларида яратилган деб ҳисоблайди.

ган ва Бобир сиймосининг кейинги даврлардаги талқинига асос бўлган ишончли портрети мавжуд бўлганлигидан далолат беради [16].

Мазкур альбомдаги «Бобирнома» расмлари ўзида Самарқанд, Ҳирот, Бухоро, Табриз, Шероз ва маҳаллий ҳинд мактабларининг энг яхши анъаналарини ўзига ижодий сингдирган ҳинд тасвирий санъатининг тенги йўқ нодир намуналари бўлиши билан бирга XVI аср охирларидаги Акбар даврида яратилган ҳинд миниатюра санъатининг юксак даражадаги янги услубини ҳам намойиш қилади.

Бобирийлар сулоласининг Ҳиндистондаги ҳукмронлигининг прогрессив моҳияти тўғрисида Шарқ ва Ғарб тарих фани бой адабиётга эга. Бироқ, Бобир ва Бобирийларнинг тарихий хизматларини баҳолашда В. И. Ленининг тарихда шахснинг роли ҳақида айтган машҳур сўзлари ягона ўлчов бўлиши керак. В. И. Ленин: «Тарихда ўтган арбобларнинг кўрсатган тарихий хизматлари тўғрисида ҳукм чиқарганда, уларнинг ҳозирги замон талабларига нисбатан тўғри келадиган нарсалар *берганликларига* қараб ҳукм чиқарилмайди, балки уларнинг ўзларидан аввал ўтганларга нисбатан қандай *янгиликлар берганликларига* қараб ҳукм чиқарилади» [17], — деб ёзган эди.

Машҳур ижтимоий-сиёсий арбоб Жавоҳарлал Неру Бобирийларнинг Ҳиндистон тарихидаги ролига худди ана шундай илмий объектив баҳо берган эди. У ўзининг «Ҳиндистоннинг кашф этилиши» китобида Заҳириддин Муҳаммад Бобирнинг шахсини юксак баҳолаб, Акбар ҳақида шуларни ёзган: «Унинг набираси Акбар яна ҳам жозибали ва янада юксак фазилатларга эга бўлган. У довюрак ва жасур, талантли саркарда ва айни вақтда олижаноб табиатли, эзгу тилаклар эгаси бўлиши билан бирга ҳаракатчан ва доҳий, ўз издошларининг фидокорона садоқатига сазовор киши бўлган. Саркарда сифатида Ҳиндистоннинг бепоён ерларини забт этди. Бироқ, у бошқа нарсани яна ҳам мустаҳкамроқ забт этишни—одамларнинг ақли ва қалбини ишғол қилишни орзу қилди. Акбар саройида бўлган португалиялик бир арбобнинг таърифича, унинг қарашлари мафтункор кучга эга бўлган, кўзлари «қуёш билан ёритилган денгиздек порлаган». — Ўз фикрини давом эттириб ёзади Неру. — Акбар фақат сиёсий жиҳатдан ягона давлат тузиш билан чекланган эмас, балки у Ҳиндистоннинг бирлиги ҳақидаги, бир халқ бўлиб яшаши тўғрисидаги асрий орзусини рўёбга чиқарди. 1556 йилдан бошланган, ўзининг деярли 50 йиллик узоқ ҳукмронлиги даврида у ана шу мақсадга интилди» [18].

Мазкур альбомда нашр этилган «Бобирнома» расмлари ўзининг фавқулотда бадиий, тарихий ва маърифий қиммати билан бир қаторда Акбар ҳукмронлиги даврида Бобирийлар яратган бадиий меросдан кичик бир намунагинадир.

Темурийлар, Сафавийлар ва Бобурийлар даври санъат обидалари ва улар ҳақидаги янги-янги тадқиқотларнинг нашр этилиши бу юксак маданият меросхўрлари бўлмиш Марказий Осиё халқлари ўртасидаги, узоқ тарихга эга бўлган, дўстлик ва ҳамкорлик анъаналарининг яна ҳам гуллаб ривожланишига хизмат қилиши шубҳасиздир.

---

[16] Москвадаги Шарқ халқлари маданияти музейи коллекциясидан танлаб олиниб, профессор С. Тюляев томонидан нашр қилинган, «Бобирнома» қўлёзмаси миниатюраларидаги Бобирнинг 30 портрети ҳам мазкур альбомдаги портретларга айнан ўхшашдир. Бу ҳам биз чиқарган хулосаларнинг тўғрилигини яна бир бор исботлайди.

[17] В. И. Ленин. Асарлар, 2-том, 190-бет.

[18] Дж. Неру. Открытие Индии, стр. 272.

ИСКУССТВО МИНИАТЮРЫ ЭПОХИ БАБУРИДОВ

В истории народов Центральной Азии эпоха Тимуридов особо отличается известным развитием социально-экономических отношений, политического строя и культуры [1]. Академик АН УзССР И. М. Муминов дает следующую научно объективную оценку роли и места Тимура в истории Средней Азии: «Появление Тимура в Средней Азии из семьи бека барласа Тарагая в кишлаке Ходжа-Ильгара было чистой случайностью. Но именно такая личность была потребностью времени, потребностью эпохи, она была необходима стране, раздробленной между феодальными удельными князьями улуса Чагатая, разрозненной, бесконечно терзаемой беспрерывными нашествиями монгольских ханов и беков Золотой Орды, измученной в течение 150-летнего иноземного господства. Тимур как государственный деятель отражал в известной мере эту потребность создать централизованное, независимое государство в Мавераннахре» [2].

Эпоха Тимуридов, которая отличалась весьма сложными социально-историческими противоречиями и тяжелой эксплуатацией трудового народа, в то же самое время обеспечила такой высокий уровень развития всех областей человеческого знания, какой только мог быть в условиях развитой формы феодальных отношений.

Целая плеяда великих умов народов Средней Азии жила и творила именно в этот период. Всему миру известны имена историков: Шарафиддина Али Язди, Ибн Арабшаха, Мирхонда, Хондамира, Давлетшаха Самарканди; ученых: Улугбека, Али Кушчи, Кази-заде Руми; философов-поэтов: Абдуррахмана Джами, Алишера Навои, Лютфи, Саккаки, Атаи; художников: Бехзада, Касым Али, Мирак Наккаша, Махмуда Музаххиба; каллиграфов: Султанали Мешхеди, Султана Мухаммеда Хандана, Мухаммед бин Нура, Дервиш Мухаммед Таки и многих других.

Последним представителем этой плеяды был потомок Тимура — выдающийся узбекский поэт, ученый, государственный деятель Бабур.

Захириддин Мухаммед Бабур родился в 1483 г. 14 февраля в городе Андижане. Отец его, Умаршейх Мирза — правнук Амира Тимура — был правителем Ферганских владений. Мать Захириддина, Кутлуг Нигар бегим, была дочерью Юнусхана [3] из феодальной знати Ташкента. Детские годы Бабура проходили в Фергане. Нет сомнения, что школьное образование он получил в Андижане, обучался преимущественно на родном узбекском языке.

Общественно-философские взгляды Бабура Мирзы, его эстетические вкусы и научные интересы формировались на гениальных произведениях Мирзы Улугбека, Алишера Навои, Абдуррахмана Джами, Лютфи и других классиков Востока.

После смерти отца в 1494 г. 12-летний Бабур занял его престол в Андижане и стал правителем Ферганского удела.

Большая часть территории империи Тимура в это время была захвачена Шейбанидами. Чтобы освободить Самарканд от Шейбанихана, Бабур дваж-

---

[1] Хронологические границы эпохи Тимуридов определяются началом последней четверти XIV и концом первой четверти XVI в.

[2] И. М. Муминов. Роль и место Амира Тимура в истории Средней Азии, Ташкент, Изд-во «Фан» УзССР, 1968, стр. 49—50.

[3] Гробница Юнусхана в настоящее время находится на территории Октябрьского района г. Ташкента (в Шейхантахуре) и охраняется правительством УзССР как исторический памятник XV в.

ды совершил поход на Самарканд (1498, 1500—1501), но не добился успеха. Тогда с немногочисленной группой преданных ему людей и родственников он двинулся в Кабул. Этот эпизод красочно описан в известном сочинении дочери Бабура Гульбадан бегим «Хумаюн-наме»: «В течение полных одиннадцати лет (Бабур) в Мавераннахре вел столь бесчисленные безуспешные бои и оборонительные операции с чагатайскими султанами, что невозможно их описать. Тогда (отец) во главе группы, состоящей из 200 преданных ему близких людей и родственников, пешком, с халатами на плечах, с чарыками на ногах и с палками в руках, без оружия, положившись только на аллаха, взяли путь в сторону Бадахшана и Кабула»[4]. Обосновавшись в Кабуле, который входил во владения его отца Умаршейха Мирзы, Бабур сформировал новую армию и в 1519 г. двинулся в сторону Индии. Только в апреле 1526 г. после известного исторического сражения возле Панипати к северу от Дели, одержав победу над султаном Ибрагимом Луди, Бабур создал свое обширное государство — империю Бабуридов[5]. Город Агра на реке Джамна сделался столицей новой империи.

